



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2009 йил
1 апрель
ЧОРШАНБА
№ 26
(12.141)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

"Ташаббус - 2009"

ҲАР БИРИ ЭЪТИРОФГА АРЗИГУЛИК

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг учун "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши хунарманди" каби уч асосий йўналиш бўйича ўтказиб келинаётган аънанавий "Ташаббус" кўрик-танлови пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазма залида тадбиркорлик, хунармандлик, фермер хўжаликлари маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди.


Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги бу нуфузли тадбирнинг аҳамияти алоҳида. Бинобарин, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш, қишлоқ мулкдорлари ва ишбилармонлари манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жаҳон мамлакатларида кенаяётган молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, бу сафарги бизнес-марафон бир ой мобайлида давом этиб, унда 6 мингга яқин тадбиркор, фермер ва хунарманд сараланди. Бу

эса, ўз навбатида танлов нуфузи тобора ошиб бораётганини англатади. Қуни кеча яқунланган танловнинг республика босқичида асосий йўналишлар қатори "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши хунарманди", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли" ва "Йилнинг энг мурувватли тадбиркори" номинациялари бўйича ҳам қўлиб ва савриндорлар номи аниқланди.

СУРАТАЛАРГА: кўрик-тановда ташкил этилган кўргазмадан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Вилоят Ҳаёти

ДЕҲҚОН БОЗОРИДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

"Ангрен деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ўз ҳудудини ободонлаштириш, павилон ва ёғи расталари таъмирлаш баробарида 62 та савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат шахобчаларини очди.

Бу ишга бевосита ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам бош қўшишди. Жумладан, замонавий дизайн асосида бунёд этилган "Ангрен-сируз" ошхонаси, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси

га мўлжалланган янги мажмуа бозор кўркини янада очиб турибди. Бозор раҳбариятининг эътирофи билан, сўнгги бир йил ичида қурилиш ва таъмирлаш ишларига бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

ТОҒ БАҒРИДА МЕВАЗОР

Бўстонлик туманининг Қоронқул қишлоғи ҳудудида тўртта галлачилик, иккита тутчилик, тўртта чорвачилик, ўн иккита боғдорчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида боғ-бонлар саъй-ҳаракати билан 78 гектар тошлоқ майдон ўрнида мевазор боғ яратилди. Эрта баҳордан тайёрланган ерга ўрик, олма, олхўри, бодом каби

мевали дарахт ниҳолларини ўтказиш, янги ариklar очиш, эскиларини тартибга келтиришда Хўжақент қишлоғи ёшлари ҳам фаол иштирок этишди.

Мунаввара РАҲАБОВА қиз.

ЁШ КУРАШЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юқоричирчиқ туманидаги 19-ўрта мактабда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ёшлар ўртасида грек-рим кураши бўйича мусобақа ўтказилди.

Унда 1993-1995 йилларда тутилган 50 нафардан зиёд ёш курашчи беллашди. Савринли ўринларни

эгаллаганларга фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ЭЗГУЛИК АНЪАНАСИ

Чирчиқ шаҳрининг «Муруват» маҳалласида тоза ичимлик суви йўқлиги аҳолини қийнаб келарди. Қибрай туманидан қувур тортилгач, муаммо бартараф этилди.

— Ўз футбол ва каратэ клубимиз бор, — дейди маҳалла оқсоқоллигига учинчи марта сайланган Мирзатилла Мирзакаримов. — Спорт-соғломлаштириш маскани барпо

этиш режамиз ҳам йўқ эмас. Сартарошхона, этикдўлик устaxonаси, новвойхона қурилмоқда. Сўнгги вақтларда 12 ёш оилага банкдан кредит олишга ёрдам бердик.

Муроджон НУРИДДИНОВ.

ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи Президентимиз Ислам Каримов юридаётган сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараёнда умумэтироф этилган демократик тамойиллар ва миллий қадриятларимиз мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шу жиҳатдан миллий журналистикамизни ривожлантириш, унинг мустақил ва ҳолис фаолият юритиш учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа ходимларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон журналистлари эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозларни жорий этиш масалаларига мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг гоят муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу борада мустаҳкам қонуний асос яратилган ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-

шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигини таъминловчи қоидалар мустаҳкамланган оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгилаштирилиши жараёнида муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бир қатор қонунлар қабул қилинди. Цензурага, ахборотнинг монополиялаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш шартлари белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Ўзбекистонда журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгиланган бўлиб, айни чоғда соҳа фаолиятига доир мавжуд ҳуқуқий асослар халқаро андозлар ва давр талаби асосида изчил такомиллаштириб келилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оммавий ахборот

— Айтмовдимми, маҳалламизда янги дўкон очилади деб, — ҳамроҳига юзланди Ориф бобо. Сўнг қурувчи йигитларга яқинлашди. — Болаларим, бу хайрли ишни бошлаган ким?

— Маҳалладошингиз Раиса Хайрова-да, — деди уста йигитлардан бири. — Шаҳарга гишт олиб келгани кетгандилар, ҳозир келиб қоладилар.

Кўп ўтмай, гишт ортилган юк машинаси келиб тўхтади. Юзлари баҳор қўйишдан қорайган Раиса Хайрова қурувчиларнинг маҳсус иш кийимига қабинадан тушди.

— Яқинда шаҳар ҳокимлигининг прокуратура, бандликка қўмаклашувчи марказ, савдо-саноат палатаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган йилги ишларида шаҳарда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар белгиланган эди, — дейди тадбиркор Раиса Хайрова. — Ташландиқ ертўлани таъмирлаб, халққа хизмат қилувчи савдо шахобчасини очиб фикри ўшанда ҳаёлимдан ўтган эди.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргач, ишни шахсий маблағим ҳисоби-га бошлаб юбордик. Лекин дўкон битгани билан бу ерда иш тўхтамади. Ертўланинг қолган қисмини ҳам таъмирлаб, бир вақтлар ўсмир-ёшларнинг сеvimли масканига айланган собиқ спорт клуби фаолиятини йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Айтиш жоизки, бундай саъй-ҳаракатлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасидаги вазифалар

Бугуннинг гапи

ИШ БИЛГАНГА КЎМАК ТАЙИН

Даҳадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлган Ориф бобо билан Шерхон ота кўпқаватли уйлارнинг биринчи қаватларидаги ертўла озиқ-овқат дўконига мослаштирилаётганини кўриб, хурсанд бўлишди.

нинг амалдаги ижроси билан уйғунлашиб кетиши шубҳасиз. Шу асосда вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли идоралар томонидан тузилган ишчи гуруҳлар шахар ва туманларда кичик бизнес, касаначилик ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхона ва цехлар ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби бугуннинг долзарб масалаларида тегишли идораларга, тадбиркор ва аҳолига амалий ёрдам бермоқда.

— Ангрен шаҳрида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, янги техника ва технология билан қайта жиҳозлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида кенг имкониятлар ишга солинмоқда, — дейди Ангрен ва Олмалик шаҳарлари бўйича ишчи гуруҳи раиси, вилоят иқтисодиёт бош бoshқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳақ Набиев. — Жумладан, яқин вақтда Нурободадаги "Строймаксинвест" қўшма корхонаси ишга тушиши муносабати билан 200 га яқин иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Шу йилнинг ўзида шаҳарда йирик объектларни ишга тушириш ва кенгайтиришга 986 миллион сўм жалб этилади, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 103 миллион сўм маблағ ажратилади. Йил давомида яратилган янги иш ўринлари 5638 тага етади.

Шу йилнинг 1 январь ҳолатига шаҳарда фойдаланилмай ётган 48 та катта-кичик объектлар қайда қайда бўлса, бугунга

келиб уларнинг қарийб 28 фоизи ишлаб чиқариш ва сервис соҳасини ривожлантиришга хизмат қилаяпти.

Ишчи гуруҳи катта ишлаб чиқариш қувватига эга "Каолин", "Кулол" акциядорлик жамиятлари, "Ўй-жой қурилишкомпани", "Ўзбекконкурилиш" корхоналарини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, шунингдек, янги технологияларни жалб этиш, иш ўринларини кенгайтириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан бирга иш олиб бормоқда.

— Олмалик салоҳиятли ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган йирик саноат шаҳри, — дейди А. Набиев. — Биргина "Олмалик кон-металлургия комбинати" ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси тизимида шахарнинг ишга ерқоли 62 фоиз аҳолиси меҳнат қилади. 2009 йилга мўлжалланган янги иш ўринларини яратиш дастури асосида шаҳарда 4694 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, қўшмача 1811 та иш ўринлари ташкил этилади.

Бошқа шаҳар ва туманлардаги каби Олмаликда ҳам бўш иш ўринларини тўлдирish мақсадида меҳнат ярмаркалари ўтказилаяпти. Жумладан, март ойидаги тадбирнинг ўзида 200 га яқин аҳоли доимий иш жойига эга бўлди. Иш ўринларининг 18 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, 13 фоизи касаначилик йўналишига тўғри келди.

— Шаҳардаги 530 ўқувчи мўлжалланган академик лицей биносининг қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ зимманинг олганми, — дейди "Олмаликқимёқурилиш" корхонаси раҳбари Баҳодир Эшонов. — Шу мақсадда 100 та қўшмача иш ўринлари ташкил этилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, "Тошкент Ҳақиқати" муҳбири.

Москвадаги Марказий рассомлар уйида "МРУ - 2009" халқаро бадиий саломи очилди. Ун иккинчи бор ўтказилаётган ушбу салонда МДХ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон вакилларининг экспозициялари ҳам намоиш этилди.

МУСАВВИР ВА «БОЛАЛИК БУЛОҒИ»

Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси билан МДХга аъзо давлатлар гуманитар ҳамкорлиги ҳукуматлари ҳамжармаси ушбу тадбирни илк ташкил этивчилари саналади. Мазкур "МРУ - 2009"да 19 та ижодий бирлашма, 29 та лойиҳа, 20 дан ортиқ ассоциация, галерея ва уюшмалар, 128 та шахсий муаллифлик ишлари намоиш этилмоқда. Салоннинг мавзусини ушбу тадбирнинг шиори бўлган, буюк испан шоири Мигел де Унамунининг:

"Балки, яшолмасдим бир кун ҳам қалбда
Болалик булоғи заволатопса гар", — деган сатрларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Халқаро Москва бадиий саломининг очилиш маросимида сўзга чиққан Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси ижрокўми раиси Масут Фаткуллин жумладан шундай деди:

— Молиявий инқироз ушбу халқаро форум даражасининг пасайишига ўз таъсирини ўтказма олмайди. Иштирокчиларнинг биронтасидан тадбирда қатна-

"Жаҳон" АА, Москва.

(Давоми 2-бетда).

Таъкидлаш жоизки, юртимизда қайси соҳада бўлмасин, амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мақсад сифатида қаралади. Шу жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини кадрлаш ва муносиб рағбатлантиришга, уларнинг меҳнат шaroитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбари Исом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар йили 27 июнь кунини ўзларининг касб байрамини кенг нишонлаб келмоқдалар.

Миллий матбуотимиз ривожини йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонлари ва буюрларига биноан Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига ўйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистиканимиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий бешлашувлар, грант-лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётди.

Бу борада журналистлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз", "Жамият ва мен", "Матбуотимиз маликаси", "Атироғул" сингари танловларни ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими аънаваный тарзда 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини арафасида ўтказиб келинаётган "Олтин қалам"

материали билан қатнашди. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган журналистлар ташкил этаётгани унга бўлган қизиқиш ҳолларда ҳам юқориликдан далолатдир.

Дастлабки йили ижодий бешлашув матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига Интернет журналистикаси

журналистлар, балки хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам тобора кўпроқ қатнашиш истагини билдирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бу номинация "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади. Ўтган йиллар давомида 3

мавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Барчамиз дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ходисаларга ўзимизнинг ҳаққоний ва холисона муносабатимизни, эътироф ва эътирозларимизни билдиришга қодир бўлишимиз, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшашимиз лозим. Кескин суруятлар билан давом этаётган ҳозирги глобаллашув жараёнида четдан кўлами ва микросини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли ахборот оқими кириб келаётгани, улар орасида бизга ёт ва зарарли ғоялар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай мураккаб вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимлари биринчи навбатда ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериши зарур.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида сифат ўзгаришлари янада кўпроқ эътибор қаратиш, ҳар бир журналистнинг касб маҳорати даражасини юксалтириш, шунингдек, матбуот, телевидение, радионинг ҳалқимиз орасидаги обрў-эътибори ва рейтингини ошириш, жаҳон ахборот майдонида рақобатдор шартларда ишлаб чиқаришга эришиш мўҳим ва асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Ўйлашимизки, журналистларимиз Ватан ва халқимиз олдидаги бу юксак масъулиятни қалбдан чўқур ҳис этган ҳолда ўз бурчларини фаол адо этаверадилар.

ЎЗА МУХБИРИ
ОЛИМ ЭРГАШЕВ
ёзиб олди.

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛГАН АДАШМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан, жорий йилнинг 15 мартини 15 апрелга қадар давом этадиган Ҳаракат хавфсизлиги олийги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-тушунириш ишларининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Олий ўқув юртлари, таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган тушунириш ишлари ўз самараларини бермоқда, – дейди Тошкент вилояти ички ишлар бош бoshқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори, майор И. Саидқаримов. – Олмалик шаҳри, Оққўрғон ҳамда Ўқма туманларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, хавфсизлик чораларини

кўриш мақсадида ташкил этилган учрашув ва суҳбатлар, болалар ўртасида ўтказилган қизиқарли мусобақалар ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида транспорт ва пиедалар, жумладан, болалар серкатори бўлган йўллар бўйига, чорраҳаларга хушёрликка даъват этувчи қўшимча паннолар ўрнатилди. Мактаблар яқинида қўшимча мах-

сус постлар ташкил этилди. Шунингдек, қўшма рейдлар давомида пиедалар томонидан икки мингга яқин йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда кенг муҳокама этилмоқда. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда йўлларнинг носозлиги оқибатида келиб чиқиши мўмкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишга аҳамият берилди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Миллий мукофоти журналистларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яқол ифодасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ушбу мукофот миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мукофотнинг кўлами тобора кенгайиб, нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Хусусан, танлов илк бор ўтказилган 2006 йилда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан иштирок этган бўлса, 2008 йилда 557 журналист 7 мингдан зиёд

ҳам қўшилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича аввал битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилда ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 асосий мукофот ташкил этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, 2007 йилда Бош миллий мукофот ҳам таъсис этилди. Жорий йилда – "Олтин қалам" тўртинчи Миллий мукофоти учун танлов 27 та (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилди.

2008 йилда ўтказилган учинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофот фонди 62,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йилда 100 миллион сўмдан ошди.

Ўтган йиллар давомида 70 нафар журналист танловнинг ғолиб ва совриндори бўлди. Танловда нафақат маҳаллий

нафар хорижлик журналист совриндор бўлди. Айни пайтда Миллий мукофот ташкилий қўмитаси тарихида мамамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросимида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқда.

Бу йилги танлов янада қизгин бўлиши унга ўз ижодий ишларини тақдим этаётган журналистларнинг қўлигидан ҳам сезилмоқда.

Ўз ўрнида журналистларимиз бундай эътиборга жавобан янада фаол, изланувчан ва ташаббуслорқ бўлишларини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда ом-

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Санъат гунчалари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

«САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ» ҒОЛИБЛАРИ

Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан етмиш нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Тўққиз ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган мусикачилар катта ва кичик гуруҳларда фортепьяно, виолончель, скрипка каби мусика чолғулари ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Бош мукофот – Гран-при катта гуруҳда В. Успенский номидаги республика махсус мусика академик лицейи ўқувчиси Тамара Акбаровна, кичик гуруҳда Тошкент шаҳридаги 30-болалар мусика мактаби ўқувчиси Азиз Эргашевга насиб этди. Биринчи ўринга фортепьяно бўйича поштахтимиздаги 26-болалар мусика мактаби ўқувчиси Никита Стеценко, Наманган шаҳридаги 11-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Александр Свиридов, Нукус шаҳридаги 1-болалар мусика мактаби ўқувчиси Лола Холбоева, скрипка ва виолончель бўйича Р. Глиэр номидаги республика махсус мусика академик лицейи ўқувчилари Шоҳрух Раҳимбердиев, Жавоҳир Очилов, В. Успенский номидаги республика махсус мусика академик лицейи ўқувчилари Эркин Хушвақтов, Влада Гусейнова сазовор бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Коммунал хизмат



Илгарилари Ангрен шаҳрига Фарғона водийси, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларидан суюлтирилган газ олиб келинарди. Маҳаллий аҳоли фақат шу газдан фойдаланишга мажбур эди. Компрессорлардаги суюқ газ тугаб қолса, уни тўлдириб кетишларини кутиб ўтиришга тўғри келарди. Аниқроғи, аҳоли 3-4 кун газсиз қоларди. Энди бу муаммага чек қўйилди.

Хозир табиий газ Оҳангарон тумани Ақча станциясидан қувурлар орқали келмоқда. Шаҳарда 22 минг 945 та хонадон бор. Шундан 19 минг 945 тасига табиий газ етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Қолган хонадонлар эгаларининг бу ёқилгига эҳтиёжи йўқлиги сабабли улар билан ту-

ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ТўЛАГАН ЯХШИ

зилган шартномалар бекор қилинган.

2005-2007 йиллар давомида шаҳар газ таъминоти идораси 9 та даҳадаги 2253 та кўпқаватли уйларнинг ўн мингдан зиёдроқ хонадонига газ етказиб берди. Ўтган йили эса газлаштириш лойиҳасига 16 та даҳа қиритилиб, 222 та кўпқаватли уйдаги 5378 та хонадон табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

– Бу йил ҳам ҳудудларни газлаштириш бўйича қиладиган ишларимиз талайгина, – деди Ангрен шаҳар газ таъминоти филиали раҳбари

Фарҳод Тошмуродов. – Асосий эътиборни 10 та даҳага газ олиб киришга қаратамиз. Йил охирига бориб, 137 та кўпқаватли уйларда яшовчи 4496 та хонадон табиий газ билан таъминланади.

Шуниси диққатга сазоворки, шаҳарда аҳолининг газдан қарзи умуман йўқ. Чунки, аҳоли газ ҳақини олдиндан тўлашга одатланган. Бунда газ идораси ходимларининг ҳам хизматлари бекиб.

Шаҳар газ таъминоти идораси навбатчилик қисмида доимо иш қизгин. Кўнгирикларнинг кети

узилмайди. Айниқса, шаҳарнинг ў ёки бу еридан газ таъминотида узилиш бўлганлиги тўғрисида ҳа-бар келса, тезлик билан ишга киришилади. Навбатчилик қисмига ярим кечада кўнгирик қилсангиз ҳам, ўз касбининг усталари бўлмиш ходимлар «лаббай» деб жавоб беришади.

– Мен бу ерда яшаётганимга 5 йил бўлаяпти, – деди 2/2 даҳа, 3-уй, 13-хонадон соҳиббаси Наригза Қозоқова. – Газнинг йўқлиги айниқса, қиш кунлари билинарди. Икки фарзандим бирин-кетин касал бўлиб қолишарди.

Мана, ниҳоят, хонадонимизга газ келди. Бунинг учун газ идораси ходимларига раҳмат. Шунга яраша газ ҳақини вақтида тўлаб боришга ҳаракат қиляпмиз. Бу бизнинг истеъмолчи сифатидаги бурчимиз.

Хуришида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТАА: чилангар Рамазон Нодиров газ таъминотида узилиш бўлмаслигини таъминлайди.

Даврон АХМАД олган сурат.

ҚИШЛОҚДА "PAYNET" ХИЗМАТИ

Янгийўл телекоммуникациялар бoғламсининг Халқободдаги 66-автомат телефон станциясида янги шахобча очилиб, интернет, халқаро сўзлашувлар каби хизматлар йўлга қўйилди.

"Тошкент телеком" филиали ёрдамида юзага келган шахобча замонавий техника воситалари – тўртта компьютер, бирйўла уч ва-зифани бажарувчи нусха кўчириниш аппарати, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув мосламаларига эга.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси "PAYNET" хизматидан ҳам фойдаланади.

Ақбар АЛИЕВ.

БОШ САБАБИ — БЕФАРҚЛИК

Юқоричирчиқ туманидаги Жумабозор педагогика коллежиди "Оғоҳлик – давр талаби" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда коллеж ўқитувчи ва талабалари, туман мактаблари раҳбарларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўрин-босарлари, ёшлар етакчилари иштирок этишди.

Давра суҳбатиди "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ижроси билан боғлиқ ишлар юзасидан фикрлашиб олинди.

Маърузачилар, прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб беришди.

Гулнора ДАВЛАТОВА.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Халқимизнинг миллий қадриятлари, аънаъна урф-одатларини ўзида мужассам этган Наврўз байрами эзгу ва хайрли амаллар, меҳр-оқибат ва шодлик айёми сифатида нишонланмоқда.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИДА

Вилоят Маданият ва спорт ишлари бoshқармаси ҳамда унинг тасарруфидаги муассаса ходимлари учун вилоят касабаси уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда Наврўз байрами дастурхони тузалиб, концерт дастури намойиш этилди.

Намунали фаолият олиб бораётган туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамда марказий маданият уйи раҳбарларига эсдалик совғалари топширилди. Йил

давомида самарали меҳнат қилган вилоят от спорти мактаби ҳамда бошқа туман ва шаҳар бўлимларига намуна бўлган Ўртачирчиқ ва Оҳангарон тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбарларига вилоят касабаси уюшмалари кенгаши томонидан "Сўқоқ" ҳамда "Турон" сийахтоғларига йўлланмалар топширилди.

Шoиpa OХУНЖOНОВА, вилоят маданият ва спорт ишлари бoshқармаси ходимаси.

ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР АЙЁМИ

Хайр-саховат қилиш, меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Наврўз кунлари бу фазилат янги қирралари билан намоён бўлмоқда.



СУРАТАААА: хайрия тадбиридан лавҳалар. Даврон АХМАД олган суратлар.



– Наврўзи олам руҳи шаҳар ва қишлоқларимизда кезиб юрипти, – деди тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Мамаклат Иброҳимова. – Биз "Ҳақиқат" хусусий фирмасида шу қўтлуг байрам

шарофати билан байрам дастурхони ёздик. Ноғиронлар, кам таъминланган оилалар вакиллари шу кунни мириқиб дам олишди. Айниқса, "Нихол" мукофоти совриндорлари – ёш қўшиқчи ва раққосларнинг чиқишлари кўнгирилларга қувонч бағишлади.

Мурссар ЖАМОЛИДДИНОВА.

ТАДБИРКОРЛИК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, вилоятимизда ҳам бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг 49,6 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнеснинг улуши саноатда 13,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида 93,9 фоизни, қиритилган инвестицияда 23,1 фоизни, қурилиш ишларида 53,3 фоизни, чакана савдо айланмасида 41,7 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасида 55,9 фоизни ташкил этди.

Республика Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишнинг макроектисодиёт мутаносиблиги ва иқтисодиёт тармоқларининг узлуқсиз ишлашига эришиш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчи ва саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш борасида ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда.

Юқоридаги Фармонда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни камида 30 фоизга қисқартириш вазифаси қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳар қандай асоссиз аралашувларга қатъий чек қўйиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг шу йил 6 мартдаги кенгайтирилган мажлисида тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шaroитлар яратиш, профилактика ишларини кучайтириш ҳамда 2009 йилда тадбиркорлик субъектларида текширишларни камида 60 фоизга қисқартириш вазифаси белгилаб берилди.

Бугунги кунда Фармон мазмун ва моҳиятини вилоят тадбиркорлик субъектларига тушунириш, иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлатимиз раҳбари томонидан республикамизда жа-

ҳон иқтисодиётида юзага келган иқтисодий инқироз таъсирининг олдини олиш юзасидан қабул қилинган қарор ва фармонларда белгилаб берилган бир қатор имтиёزلардан самарали фойдаланиш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларда белгиланган асосий устувор йўналишларни амалга ошириш орқали салмоқли натижаларга эришиш кўтилмоқда.

Жумладан, инвестиция қиритилган янги объектларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй меҳнати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бандликнинг бошқа самарали шакллари орқали 2009 йилда жами 85 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суруяти 110 фоизга, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 38 фоизга етказилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг жами саноат маҳсулотларини 2008 йилдаги 0,26 фоизлик улушидан 2009 йилда 4,6 фоизгача, 986 та кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 49,7 фоизга етказилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан, 286 та янги объектлар фойдаланишга топширилди. Натижада умумий хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2008 йилдаги 35 фоиздан бу йил 37 фоизгача оширилди.

Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, биринчи навбатда боқиманда туманларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига 2009-2010 йилларда Бекобод, Ўқма, Оққўрғон, Куйчириқ туманларини боқимандаликдан тўлиқ қиариш режалаштирилган.

Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, қасаначилиқнинг янада ривож топиши, аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги-янги иш ўринлари яратилиши халқимизнинг бундаги фаровон ҳаёт кечиршида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Зиёббек ЙЎЛДШОВ, вилоят статистика бoshқармаси бошлиғи.

Ўзининг ўтмиши, бугуни ва келажги билан фохрланса арзийдиган халқимиз. Зеро, ҳаёонга машхур аждодларимиз, улар қолдирган бебаҳо маънавий, маданий меросни ўрганиб, асраб-авайлаётган замондошларимиз ва бу неъматларнинг муносиб ворислари бўла оладиган ёшларимиз – келажак эгалари бор.

«Хар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-ода-ти ва аънаёлари ҳаётини қадриятларида айлари ҳолда тасаввур этиб бўлмайди», дейилади Юртбошимизнинг «Оқсак маънавият – энгилмас куч» китобида. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, қўна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Демак, ўз тарихини, ўзини, ўзига яхши англаган инсоннинг маънавияти юксак бўлади, Ватанга, халқига бўлган муҳаббат ва садоқати қалбида мустахкам эътиқод бўлиб шаклланади. Шу ўринда ўтмиш ва келажак ўртасида бир кўприк бўлиб хизмат қилувчи маънавий қадриятларимиз маскани – музейларнинг беқисс аҳамиятини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ўлкашунос-лик музейлари миллий ўзгилгимизнинг ўзига хос қирраларини намоён этиш-да муҳим ўрин тутди.

Вилоятимизда фаолият юритаётган шундай маънавият маканлари бугун қай аҳволда? Уларнинг, айниқса ёш авлод тарбиясидаги роли, умуман, маънавий оламнинг бир бўлаги сифатида қадр-қиммати аниқлаш олаёмики? Фикримизни Ангрэн шаҳар ўлкашунос-лик музейи мисолида давом эттирамиз. Бу макан вилоятимизнинг Охангон воҳаси тарихи, табиати, ўтмиши ва ҳозирги кундаги ривожланиш давларини атрофли-ка акс эттирувчи ҳужжат ва экспонатлари, санъат бўли-мидаги расмлар галереяси-даги Ўзбекистоннинг машхур расмолари ижодида хос қимматли тасвирий санъат асарлари билан алоҳида эътиборга молик. Мустақил-

лик йилларида олиб борил-ган изланишлар, илмий тад-қиқотлар натижасида анча-гина бойиған музей фонди ҳозирги кунда 31796 та тур-ли йўналишлардаги экспо-натларга эга бўлди. Айниқ-

Авалло, галереяда сақла-наётган юксак бадий қий-матга эга асарларнинг қўли-ни кўргазмалар залида на-мойиш этиш учун тайёрлаш-ча етарли маблаг ажратили-ши, санъат асарларини таъ-мирлаш хислати, уларни қайта тикловчи рассом-реставро-тор керак. Агар бу масала ҳал этилса, санъат галереяси-да-ги миллий, маънавий бойли-гимиз, саксондан ортқ тас-вирий санъат намоён-даларининг ижодий ишлари нафақат Ангрэн шаҳри, бал-

Яқин ўтган кунларда

ТАРИХ СИНОВЛАРИДАН ЎТГАН ХАЗИНА

ки республикамиз аҳолиси-га мунтазам намоиш этилиши мумкин бўлади.

Музейга 18 йилдан буюн раҳбарлик қилиб келатган Лидия Илларионованинг таъкидлашича, мавжуд экс-понат ва ҳужжатларнинг ҳар бири бир тарих. Охангон водийсининг қадимий тари-ха ва қиёфасидан сўзловчи ҳар бир детал, ривожланиш ҳараёлари акс эттирилган экспозициялар унга жон қадар азиз бўлиб қолган. Келгусида мунтазам таши-клар ёрдамида ва ҳомий-лигида бу маънавий макан-ни ўз фаолиятини рисола-дагидек давом эттиришига ишонади.

Шунингдек, вилоятимиз-нинг санъат шаҳри Олмалик-даги «Ўлкашунослик» му-зейи ҳақидаги маълумотлар-га тўхталганда, аввало, ша-ҳарнинг тарихий, географик ўрнига эътибор қаратиш лозим. Илмий адабиётлар-да XIII асрдан бошлаб, Ол-малик номи жуда кўп марта қайд этилган. Ҳатто, шоҳ ва шоир, олим ва мутафаккир Захриддин Муҳаммад Бо-бур ҳам сўлим Олмалиқни ўзгача меҳр ва ихлос билан

бунёд этилган Олмалик кон-металлургия комбинатининг қурилиши билан гўе шаҳар қайтадан тугилгандек бўлди. Аммо бунга ҳам ярим аср-дан кўп вақт ўтди. Унинг шу кунгача босиб ўтган тарақ-қиёт йўли музей экспонат-лари орқали бу ерга таш-риф буюрганлар кўз ўнгига қайта жонланади. Бу ҳам му-зейларимизнинг инсон онги, тафаккурда воқеликка му-носабатинг ҳақиқий қирра-лари шаклланишда, қалби-да ўзи яшаб турган она ту-пор, азиз Ватанга бўлган че-кисиз муҳаббат, садоқат-нинг мустақамлаштиши-да муҳим омил эканлигини ис-ботлайди.

Музей фондиди мунтазам бойитиб бориш, асосли та-рихий манбалар орқали қизиқарли экспонатларни, кўргазмалари ташкил этиб, одамларни қизиқтира би-лиш ва жалб қилиш, му-зейи олимни таъмирланган, озода ҳолда сақлаш, қол-леж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарби-яланувчилари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш Олмалик ўлкашунослик му-зейи жамоасининг доимий

вазифасига айланиши шуб-ҳасиз.

Вилоятимизнинг Оққўр-гон туманида ҳам узок ўтмиш-га доир тарихий обидалар мав-жуд. Эрамиздан аввалги VIII, IX асрларда ташкил толган Оққўргон аҳоли пункти та-рихий ҳараёлларда қўпгина талончилик ва босқинчилик-ларни бошдан кечирган. Шомилқори – Шоҳрухия қабристони, Қанқа ёдгорли-ги бу кечмишларнинг гу-воҳи. Бу каби тарихий ма-ълумотлар, қолверса тур-ғулик йиллари, қатагон қур-бонлари ҳақидаги маълумот-лар ҳам музей ходимлари томонидан ўрганилиб, сақ-ланаётганлиги музей фао-лиятининг халқимиз учун нечоғли зарур эканлигини кўрсатади.

Музей мунтазамлирининг бугунги вазифаси халқимиз-нинг бой маданий мероси-ни, унинг тараққиёт босқич-ларини ҳаққоний акс этти-рувчи замон талабларига мос, Истиклол руҳидаги экс-позицияларни яратиш, му-зейни маънавият ўчоғига айлантириш экан, аввало, музей биносини лозим да-ражада таъмирлаш, атроф-ларини ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ва са-нитария ҳолатини яхшилаш зарур бўлади.

Шу билан бирга нафақат музей экспонатлари, балки бу макан ходимларининг ҳам маънавий қиёфаси, са-вияси, чукр билим соҳиби эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Мунтазам сўз ўрнида Юртбошимизнинг ушбу даъваткорона сўзла-рини келтирмақчимиз: «Би-ринчи навбатда миллий ма-даниятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдишларига эътибор бериш зарур. Бу ҳазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Та-риқининг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дам-ларда мадад бўлган. Биз-нинг вазифамиз – шу ҳази-нани кўз қорачиқимиздек сақлаш ва яна бойитишдир».

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

Матбуот шарҳи

ГАЗЕТАЧИЛАР УЧУН ХОТИРЖАМЛИК ЁТ ИЛЛАТ

Кейинги йиллар қадим Далварзин чўлларида шаҳарча ва қишлоқлар қуриб, ерга ер қўшиб, боғ-роғлар яратиб яшаётган пахтакор, галлакор, чорвадор ва боғбонлар учун мураккаб синов босқичи бўлди. Ҳосилдорлик пастлиги, сармоялар-ни, хусусан, хорижий инвестицияни жалб қилиш-даги сусткашлик, саноат қишлоб қириши ҳали кўлам ва барқарорлик касб этмаганлиги, ялли худудий маҳсулот таркибида унинг улуши 0,4-0,7 фоиз даражасида қолиб кетаётганлиги жид-дий эътирозларга сабаб бўлмоқда эди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан таш-қари сессиясида ҳам давла-тимиз раҳбари жумладан, Бе-қобод тумани бир қатор йўна-лишлар бўйича қолоқликдан чиқа олмаётганлигини таъ-кидлаб, кескин танқидий му-лоҳазалар билдирди.

Ҳўш, сессияда айтилган бу фикрлар, илгари сурил-ган вазифалар туманда қан-дай акс-садо бермоқда? Биз «BEKOBOD OVOZI» газетасининг кейинги ойлар-даги чиқишларини шу савол-га жавоб топиш нуктаи на-заридан кўздан кечириб, таҳлил қилдик. Зеро, бугун-ги ишлар, иқтисодиёт, иж-тимой соҳалардаги исло-хотларни чуқурлаштириш йўлидаги савий-ҳаракатлар давр кўзгуси – маҳаллий матбуот саҳифаларидан бошқа яна қандай воситалар-да кенг, очик-ошқора ва чукр акс этиши мумкин?

Авал бошдан айтиб қўя қолайлик: газета таҳририя-ти Юртбошимизнинг «Жа-мийнати ислоҳ қилиш ва ян-гиллаш, иқтисодиёт ва иж-тимой соҳада муқалланган устувор вазифалар қай да-ражада амалга оширилган-ни танқидий кўз билан қараб баҳолаш таъризамиз ижобий натижасини намоён этмоқда. Баҳарган ишларимизга яқун яшашда кўзбўямачилик, ўзи-мизни алдаш билан шугул-ланмаслигимиз ва хотиржа-млиқка берилмаслигимиз ке-рак» деган сўзларни ўз из-ланишлари мезонига айланти-риб, муайян даражада иб-ратли ижодий силжишларга эришяптир.

Бу ҳол, аввало, газета саҳифаларидаги руқналарда кўзга ташланади. «Бу ҳақда вилоят кенгашининг сессия-сида гапирилган эди», «Янги иншоот ишга тушди», «Де-путат минбари», «Орамизда-ги одамлар», «Молия тизи-ми» сингари руқналар остида ҳаётимизга зукко назар таш-ланган, эришляётган нати-жаларни танқидий таҳлил қилиш ва ҳаракат режалари-ни амалга оширишда фидо-ийлик сезилиб турган мақо-лалар эълон қилина бошлан-ди. Газета ўз танқидий чи-қишларига туман ва вилоят бошқарув ҳамда ҳўжалик идораларидан амалий жавоб-лар олаётганлиги ҳам матбу-от сўзининг тасвиричанлиги ошиб бораётганлигидан да-лолат, албатта.

Газета «Вазифалар аниқ, энди фақат ишлаш керак» сарлавҳали мақола билан «Бу ҳақда вилоят кенгашининг

сессиясида гапирилган эди» руқни остидаги туркум чи-қишларини бошлади. «Хос-ботларда саз, маҳсулот эса, оз», «Депсиниши ёки ўзи-буларчилик?», «Рақамлар қўлақасидаги ҳақиқат» кичик сарлавҳаларнинг ўзиёқ, бу мақола руқини англиб ту-рибди. Унда саноат маҳсулот-лари ишлаб чиқарувчи сифа-тида рўйхатга олинган 57 та корхонанинг атиги 27 таси фаолият кўрсатаётгани, «Далварзин таъмирлаш заво-ди» акциядорлик жамиятида ялли маҳсулот ишлаб чиқа-риш 45,3 миллион сўмга ка-майгани, ишчи ўринлари 75 фоизга қисқарганлиги кескин танқид қилинган. Мақолада экспорт учун маҳсулот иш-лаб чиқарувчи корхоналарда ўсиш йўлиги сабаблари, янги иш ўринлари яратиш-даги ўзибуларчилик ва кўзбўямачиликлар ишонарли очилган. Муаллиф бандлик-ка кўмаклашиш марказининг фаолиятини таҳлил қилиб, «Иш сўраб мурожаат этувчи-лар ва ишсизлик мақомини олувчиларнинг олдидан ре-жалаштирилганлигига нима дейсиз?» ёки «Зикр этилган чироили рақамлар ортидаги ҳақиқий аҳволни ким ўргана-ди ва ижросини ким назорат қилади?» сингари ўринли са-волларни ўртага ташлайди.

Ёки «Киш ўчоғи тор...» мақоласини олайлик. Маъ-лумки, халқ депутатлари ви-лоят кенгашининг сессияси-да коммунал соҳалардаги аҳволни яхшилаш масалала-рига алоҳида ургу берилди. Шу боис мақолада муаллиф «киш ўчоғи»ни кенгайтириш ўзимизга, ўз бурчимизни нечоғли англашимизга боғ-лиқ эканлигини аниқ мисол-лар асосида ёритиб берган. Тегишли идоралар, газ, ичимлик сув, иссиқлик ва электр қуввати етказиб бе-рувчи тармоқлар иншоотла-рини таъмирлаб, коммунал хизматлари барқарорлашти-риш учун катта-катта маблаг сарфлашмоқда. Афсуски, ай-рим корхоналар, савдо-сотик билан шугулланувчилар ва баъзи фуқаролар бу хизмат-лар ҳақини вақтида тўламаёт-тирлар, кўп микдорда қарз-дор бўлиб қолаёттирлар. Ма-қолада вақтида қиёс-қитоб қилишни унутган корхона ва фуқаролар номма-ном тилга олинганлиги унинг тасвир кучини оширган.

Бундай чиқишларнинг мавзу доираси кенгайиб бораёттир. Газета молия ти-зимидagi янгиликлар, маб-лагларни мақсадли сарфлаш

ва туманни боқимандалик-дан олиб чиқиш муаммолар-ини бирмунча изчил ёрит-моқда. «Солиқ тизими» руқ-ни остида эълон қилинган «Хисобот – фаолият қўзғу-си» сарлавҳали мақолада хисоботларни топширишда ўзибуларчилик ва юзакчи-ликка йўл қўётган айрим тадбиркорлар танқид қили-нади.

Қўлам келиб, дала иш-лари кун сайин қулайин тус олиб борапти. Қишлоқ меҳ-наткашлари қузги бугдой парваршини кучайтириб, чигит экишга пухта тайёргар-лик қўришди. Бу руҳ газета саҳифаларида ҳам ўз ифо-дасини топмоқда. «Пуштага чигит экиш», «Таъмирлаш тугалланди», «Ёш ниҳоллар озиклантририлмоқда» син-гари хабарлар бунинг далили-дир.

Ҳуқуқий маданиятни тар-биялаш, маънавият сабоқла-рини кучайтириш, қонунчи-ликни мустақамлаш ва жи-ноятчиликнинг олдини олиш, одам савдоси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мавзулари ҳам туман матбу-отчиларининг эътиборидан четда қолмагани йўқ. Бун-дай мақолалар газетанинг деярли ҳар бир сонидан ўрин олапти.

Бўлар – ижодкорлар давр

билан ҳамнафасликда изла-

нишяётгани, газетани таъ-

сирчан, ўқилиш қилишга

интилишяётганини самара-

си, албатта.

Яна бир муҳим жиҳат шун-дан иборатки, газета саҳи-фаларида туман ҳокимлиги ходимлари, депутатлар, ҳўжалик раҳбарлари, иқти-содчилар, молиячилар, солиқ идоралари хизматчиларига тобора кўпроқ минбар бери-ляпти. Бу ижтимоий-иқтисо-дий, хизмат кўрсатиш, тар-бия масалалари фаолияти чукр, атрофли ва малака-ли ёритилишига, мавжуд му-аммолар, камчилик ва нуқ-сонларни бартараф этиш йўллари оидинлаштириб олишга хизмат қилапти.

Лекин бу газетачилар бар-ча муаммоларни бартараф этишганини билдирмайди, албатта. Ижодий ишларни янада такомиллаштириш пал-ласи ҳали олдинда. Давр руқини таъсирчан ифодалаш, энг муҳими, янги давр ки-шилари, янги авлоднинг камол топтириш, қишлоқ спортини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий тарбия муаммолари-ни ёритиш журналистлардан касб маҳоратини муттасил ошириб боришни талаб эта-ди. Ибратли таҳрирларнинг кенгроқ ёритиш, ҳаёт кун тартибига қўётган муаммо-ларни янада дадилроқ қўта-риб чиқиш туманини ижтимо-ий-иқтисодий ривожланти-риш сўратларини ошириш-да муҳим омил эканлигини ҳаммиса ёдда тутиш лозим.

Жўра САДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.



ИНСТИТУТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



АҚШнинг Станфорд уни-верситети томонидан Энер-гетика институти ташкил этилди. Лойиҳани амалга ошириш учун юз миллион АҚШ долларидан зиёд миқ-дорда маблаг сарфланди.

Мазкур янги институт дирек-тори Лин Орнинг сўзларига қўра, ушбу илмий муассаса қўёш энергияси ва электр захираларини йиғиш ҳамда энергиянинг бошқа манбала-рини тадқиқ қилиш билан шугулланади.

Маълумотларга қўра, Энергетика институтида ах-борот технологиялари соҳа-сига иқтисослашган дунёнинг энг йирик «Hewlett Packard» ҳамда «Google» компанияла-ри ҳам фаолият юритади.

ХИТОЙ ҲАМ ИНҚИРОЗ ГИРДОБИДА

Хитойнинг нуфузли «Lenovo» компанияси жорий йилда икки минг беш юз ишчи ўрнини қисқартиради. Ишчилар маоши эса 30-50 фоиз камайтирилади. Бун-дай ҳолат компанияга уч юз миллион АҚШ доллар миқдоридида маблаг тежаш имконини беради. Маҳал-лий матбуотнинг ёзишича, айни кунларда компьютер ишлаб чиқаришга иқтисос-лашган мазкур компания-нинг маҳсулотларига талаб камайган.



Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, «Lenovo» ко-мпанияси замонавий компью-тер технологияларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради.

ЭРОЗИЯ САБАБИ НИМАДА?



рга тенг қисми емирилиб бўлган. Ушбу кўрсаткич 1950 йилда етти метрни, 1970 йилда эса ўн метрни ташкил этган. Муताхассис-лар мазкур худудни эрозия-га учраган энг катта худуд деб ҳисобламоқда.

Хабарларга қараганда, эрозия ҳараённинг тобора авж олишига тўғйонлар-нинг кучаяётгани, дунё ум-монлари сатҳининг кўтари-ляётгани ва сув ҳарорати-нинг ошаётгани сабаб бўлмоқда.

Ў.А.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонун ҳужжатлари билан қафолатланган. Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилаш ва бошқа ҳолатларда қонунбузилиши, бюрократик тўқинилар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда Сиз ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун худудий прокуратура идораларининг **007 рақами «Ишонч телефон»га мурожаат қилишингиз мумкин.** Ҳуқуқларингиз ҳимоя қилиниши қафолатланади.

Бандлик



ИСТАГАНЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Муқим иш ўринларини барпо этиш бандлик муаммосини ҳал қилишнинг энг зурур шарти. Бунги чукр идрок этган Янгийўл шаҳри ва тумани корхоналари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари иш жойларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар-ни изчил ҳал қилмоқдалар.

Гулбаҳор саноат касб-хунар коллежида ўтказил-ган меҳнат ярмаркаси бу борадаги савий-ҳаракатлар кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. Унда шаҳар ва ту-

мандаги 14 та корхона ва ташкилот 278 та иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунги Янгийўл электр тар-моқлари корхонасига 33, «Янгийўлгаз» корхонасига

Юсуф ЖУМАЕВ.

СУРАТДА: меҳнат

ярмаркасидаан даъва.

Даврон АХМАД

олган сурат.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тарифлар амалга киритилди. Тариф гуруҳлари бўй-ча янги нархлар куйидагича:

I гуруҳ. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар

Икки ставкали тариф:

1 кВт максимал юклама учун йиллик тўлов – 103000 сўм

1 кВт соат сарфланаётган энергия учун – 49 сўм 10 тийин

II гуруҳ. Уланган қуввати 750 кВтгача бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар

Бир ставкали тариф:

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин.

III гуруҳ. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб-чиқариши истеъмолчилари, шу жумладан бюджетдан молиялаштирила-диган насос станциялари

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин

IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиқи)

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин

V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилот-лари, шаҳарларни кўча ёриткичлари

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин

VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси

1 кВт соат учун – 63 сўм 90 тийин

VII гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктлари

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин

Электрпиталлар билан жиҳозланган яшаш уйлар аҳолиси

1 кВт соат учун – 31 сўм 10 тийин

VIII гуруҳ. Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондиционерлаш) эҳтиёжлари учун фойдалани-ладиган электр энергияси

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин

IX гуруҳ. Реклама ва иллюминация 1 кВт соат учун – 110 сўм 00 тийин

X гуруҳ. Энерготизимни ҳўжалик эҳтиёжлари

1 кВт соат учун – 62 сўм 20 тийин.

«Toshkent elektr tarmoqlari»

очик акциядорлик жамияти.

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатиغا!

«Toshkent shahar munitsipal birja markazi» МЧЖ

Сизларни 2009 йил 1 май кунини соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга қуйидаги мулклар қўйилмоқда

1. Ангрэн шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Ангрэн шаҳар ЖИБ судининг 2008 йил 1 декабрдаги қарорига асосан тақдим этилган, Ангрэн шаҳар ИХБХ ИПХ жарима майдонасида сақланаётган, давлат рақами Х 867 ЗРМ бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқа-рилган, техник соз бўлган, «Daewoo Nexia» русумли автотранспорт воситаси.

2. Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2009 йил 5 мартдаги 4133-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Қибрай тумани, «Аргин савдо» УҚ омборида сақланаётган, давлат рақами 11 У 1047 бўлган, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, тех-ник носо бўлган, «ГЕА СНГ М 408» русум-ли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 758 001 сўм.

3. Бекобод тумани суд ижрочилари бўли-ми томонидан Б

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ИЖОДИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси А. Хўжаев номидаги Республика Дизайн коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди. Унда коллеж ўқитувчилари ва ўқувчиларининг тасвирий санъатининг турли йўналишлари бўйича юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёев Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда ёш авлодни лутта билим, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳи

да тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ёшларни жаҳон санъати намуналарига ошно этиш, улар маънавиятини юксалтириш мақсадида юртимизда барпо этилаётган мусиқа ва санъат мактаблар

ри, коллежлари, бадий галереялар, болалар ва ўсмирлар бадий ижодиёт марказлари бунинг далилидир. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг эстетик диққати тарбиялаш, қомил шахс бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Салкам тўққиз юз нафар ўқувчи билим олаётган ушбу коллежда реклама ва амалий графика, бадий компьютер графикаси, мебелларни лойиҳалаш, интерьер ва жиҳозлар, ба

дий наққошлик, лакли миниатюра, ландшафт дизайни, бадий ганч ва уймакорлик, каштачилик, зардўзлик, заргарлик буюмларини безаш каби кўплаб йўналишларда мутахассислар тайёрланади. Айни пайтда коллежнинг кўплаб битирувчилари бадий-ижодий йўналишдаги корхоналар, устaxonалар, галереялар, болалар ижодиёти марказларида фаолият кўрсатмоқда.

Ў.А.

ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРИШНИ
УНУТМАДИНГИЗМИ?

Мамлакатимиз фуқароларига ўз даромадларини кўпайтириш учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозирги кунда фуқаролар асосий иш жойидан ташқари қўшимча манбалардан ҳам даромад олиши мумкин. Бундай даромад манбалари эгалари ҳар йили 1 апрелгача доимий яшаш жойидagi солиқ органига декларация топшириши лозим.

– Декларация топшириши талаб этиладиган даромад манбалари мамлакатимиз ҳудудида, шунингдек, хорижда бўлиши мумкин, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фуқаролар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш бўлими бошлиғи Хушнуд Жуманиёзов. – Ҳар йили 1 апрелгача доимий яшаш жойидagi солиқ органига декларация топшириши лозим.

Бундай декларация асосида йиллик умумий даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи 1 июнгача бюджетга тўлаши зарур. Агар жами йиллик декларация асосида ортиқча даромад солиғи ушланган бўлса, ушбу сумма қайтариб берилади ёки кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Қўшимча даромад олаётганлар даромад солиғини энг юқори ставкалар бўйича тўлаган бўлса, декларация топширмалиги мумкин. Бунинг учун даромад олиш вақтида шу корхонанинг ҳисобхонасига даромад солиғини энг юқори ставка бўйича ушлаб қолганини сўраб ариза берилади.

Маълумки, 2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Рес-

публикасининг янги Солиқ кодекси амалиётга жорий қилинди. Унда жисмоний шахсларни декларация асосида солиққа тортиш масаласи ҳам ўз ифодасини топти. Кодексда жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари таркиби кенгайтирилди. Бунга мулкнинг даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун мулкчилик ҳақи тариқасида олинган даромадлар ҳам киритилди.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун мулкчилик ҳақи олиётган жисмоний шахслар ушбу даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш шарт. Чунки жисмоний шахс ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларини даромаддан чегирлаш ҳуқуқига эга.

Даромадлар тўғрисида декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади.

Н. АБДУРАИМОВА,
Ў.А. мухбири



Авторалли

250 КИЛОМЕТРЛИК ПОЙГА

Тошкент шаҳри ва вилояти йўлларига авторалли бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 22 экипаж аъзоси иштирок этди.

Пойтахтимиздан старт олган автомобиллар Тошкент вилояти ҳудуди бўйлаб, жами 250 километрни масофани босиб ўтди. Барча класслар бўйича пойтахтлик спортчилар юқори ўринни кўлга киритган бўлса, миллий класс бўйича иккинчи ўринни самарқандлик авторалличилар банд этди.

Ў.А.
СУРАТДА: мусобақа қолиблари.
ЕРКЕБОЙ БОТИРОВ олган сурат.

«KUTUBXONA.UZ»НИНГ ИЛК СОНИ

Ахборот-кутубхона технологиялари бағишланган "Kutubxona.Uz" илмий-амалий журналининг илк сони нашрдан чиқди. Унинг муассиси – Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидир.

Кутубхоначилик соҳасига оид журналининг илк сонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган мақолалар кенг ўрин олган, бу борада миллий ва хорижий ахборот-кутубхона муассасаларининг иш тажрибасига бағишланган маълумотлар келтирилган.

Ушбу нашрда кутубхона-

лар, янги китоблар, ахборот ҳамжамияти, жамғармалар ва коллекциялар тўғрисидаги мақолалар билан ҳам танишиш мумкин. Шунингдек, таълим ва касб-хунар, халқаро алоқаларга бағишланган мақолалар ранг-баранг суратлар билан бойитилган.

Мамлакатимиз бош кутубхонасининг ташкил топиш тарихи, кутубхона ва истикболи тўғрисидаги ма-

қола ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий. Ушбу журнал ахборот-кутубхона иши, архив соҳасида фаолият юритувчилар, тадқиқотчилар, умуман кенг китобхоналар оммаси ва ахборот-кутубхоналар ҳаёти билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ахборот-коммуникация технологиялари оламининг кутубхона, архив, китоб нашриётлари бағишланган ушбу илмий-амалий журнал бир йилда тўрт мартаба чоп этилади.

В. НИКОЛАЕВ,
Ў.А. мухбири

ИККИ ҚОП ПИЁЗ

Воҳид ака дарвозадан ичкарига кирганда сингилси билан аёли ховлида гурунлашиб турарди.

– Онаси, келин муборак бўлсин, – деди қўлидаги қийқ рўмолга ўралган тугунни узатар экан.

– Қуллқ бўлсин, отаси, – жимгайди аёл.

– Ака, қудангиз муборак бўлсин, – елка олиб кўришди сингил.

Ҳаммалари ичкари киришди. Икки ёшга бахт-саодат тилашиб, дуо қилишган, сингил шовшаётганини айтиб, "тўйда бе-малол ўтирармиз" дея ўрнидан кўзгалди.

– Онаси, ўғлингни чақир, – деди Воҳид ака қартошка-пиёз сақланадиган омборхона томонга юраккан.

– Нима қиласиз, ака, буларни сотамизми? – омборхона бурчагига ажратиб қўйилган қопларга ишора қилди Восид.

– Энди, қўёвола, тўй қилиш учун пул зарур. Эрта бозор кўни пиёз ва қартошқадан беш-ўн қоп сотиб, ойнинг кўлига бермасда бўлмайди. Ҳали кам-кўст кўп.

Ота-бола кечгача омборхонада қўйиланиб, сотиладиган қартошка-пиёзларни ажратиб, дарвозахонага тахт қилиб қўйишди. Эрта тонгда машинага ортишиб, бозорга жўнашди.

– Ўғлим, пиёз қанчадан бўлди, – эндигина қоп оғзини очиб Восиддан сўради бир аёл.

– Хола, сизга килоси беш юздан, олинг, пулнигизга ачинмайсиз, – деди у.

– Ўғлим, буни бозор дейишди, сенинг ҳам айтганингмас, менинг ҳам айтганиммас, уч юздан бер. Йўқ дема бол, тўйга олаяман, қизимни узатаётганим, тўрт сетка оламан.

– Э-э, хола, одамни пастрга уриб юбордингиз-ку. Қаранг, атрафдагиларнинг пиёзидан ўлса ўлги ортиқ. Бунинг меҳнат оғирлигини айтмайсизми, пиёз ўтқ қилиб қўрганмисиз

ўзи? – деди Восид норози оҳангда.

– Худди ўзинг пиёз етиштириб, белинг оргигандек гапирсан-а, опа-сингилларинг, хотининг ўтқ қилиб берганда, сен сотаясан холос.

– Хола олгингиз келса, ўша айтган нарҳим, бўлмаса, бошқа жойдан олинг. Кейин мен ҳам шуларни уйланишим учун, тўйга деб сотаяман.

– Илоҳим бахтли бўл ўғлим, менга ўхшаган қайноналар на-сиб қилсин. Беш қиз чиқарганман, кейинги ҳафталарга кенжа қизимнинг тўйи. Сени аввалроқ қўрганамда ўзим қуёв қилардим, – аёл йигитни авра кетди.

– Сизга ўхшаб қўп гапирадиган қайнонадан худонинг ўзи асрасин, бўлди, хола, сизга пиёз сотмайман, қани бу ерни бушатиң-чи, – гапни кесди йигит.

– Восид ўғлим, мен бир бозорни айланиб келаман, сен унганча сотиб тур, – отанинг гапи оғзида қолди. Ўғлининг қаршисида турган қудасини кўриб ҳайрон бўлди.

– Ия, қуда нима қилиб юриб-сиз?

Ҳалима хола ҳам бўлажақ қудасини кўриб, шовиб қолди. Бир қудга, бир ёнида турган йигитга қаради.

– Қуда, мана шу йигит қуёвингиз бўлади, тўйдан олдин танишиб олибсизлар-да, – дея ҳазиллашган бўлди Воҳид.


Отасининг гапларини эшитган Восид дув қизарди. Бўлган воқеалардан хангу манг бўлиб қолган аёл эса, ўзини қўйрага жой тополмай қолди. Ҳижолатдан тили сўзга келмади. Келиб-келиб бўлажақ қуёвини рубару бўламанми, дея ўзини қойганча улардан узоқлашди.

Ўғлидан ҳамма гапни эшитган ота "танимасини сийламас" деб шунга айтди-лар-да, дея қулгудан ўзини тиймади. Кечга томон қудалар Ҳалима аянинг уйига икки қоп пиёз ташлаб кетишди.

ДИФУЗА МИРОБИДОВА.

Шундан кейин
ЎҚ ТУТУВЧИ
ОДАМ

Отинган ўқни тутиб оладиган инсон ҳақида эшитганмисиз? Америкада шундай одам бор. У камондан отилган ўқларни беамалол тутиб олаверади. Сотиға 160 км тезликда учиб келадиган камон ўқини тутиб олишининг ўзи бўлмайди. Аммо Терри Брайен бунинг удасидан чиқади. У ўқни овозини эшитиш асосида тутди. Агарда салгина илгарироқ қўл қўсса, яраланиши турган гап. Терри Брайен ҳатто қўзлари боғлиқ ҳолда ҳам ўқнинг овозидан сезиб, тутиб олади. Бундай сезирлик ҳар кимга ҳам хос эмас.

УМРБОД
ТИК ОЁҚДА

Америкалик Михайл исмли дурадгор қўтилмаганда белини синдириб, умуртқа поғонасини шикастлади. Шифокорлар унинг соғлигини жарроҳлик амалиёти билан тиклай олмадилар. У умуман белини бўқолмайди, чунки у ерларда Михайл учун мўлжалланган махсус жой йўқ. У тик турган ҳолда оқатланади, ёзади... қўсқаси, барча ишларни тик ҳолатда бажаради. У ҳатто, ўзи учун тик турадиган шакда ўхшаган қаравот ясаган. Етишдан олдин ўзини боғлаб, шу ҳолатда тик туриб ухлайди.

ЭНГ ҚИММАТ
ТАҚИНЧОҚ

Дунёда энг қимматбаҳо заргарлик буюми – вазни 14 қаратга бўлган мовий олмос ўрнатилган занжирдир. Ноксимон шаклда тарашланган мовий тош оқ олмослар билан ўралган ва оқ олтиндан ясалган занжирга ирилган. Безакнинг умумий нархи – 16 миллион долларга тенг.

БИТТА ОТНИНГ
НАРХИ

Олимпларнинг таъкидлашларича, ноёб саррайа зотли отлар Жанубий Ибериядаги ёввойи отларнинг наслидандир. Бутун дунёда бу от зотининг 200 тагина вақили қолган. Ўзига ҳос сифатлари ва хусусиятлариға кўра, энг ноёб зот деб Австрияда ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун етиштирилган мепизанер отлари тан олинди. Бу отлардан дотласининг нархи 100 минг долларга боради.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Тошкент вилояти давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг 17.08.2003 йилдаги 641-0-сонли бўйруғига асосан Турғунбоев Бўрибой Алибоевич номига берилган 929 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хотин эридан шикоят қилиб қолди.
– Сиз учун мен эмас футбол азиз. Футбол деса узингизни томондан ташлайсиз.

Кулганга
нимаётсин

– Унақа эмас, қўйсанг-чи...
– Ҳамма футболчиларни ота-онаси-ю, қачон туғилгани, қарога, қимга ҳол урангизча аниқ биласиз, тўйимиз бўлган кунни эса эслай олайсиз ҳам.
– Эсламан, нега энди?
– Бўлмаса тўйимиз бўлган кунни айтмиң-чи?
– Нега билмас эканман, тўйимиз "Пахтакор" "Днепр"га 3:1 га ютказган кунни бўлувди-да...

Профессор талабадан сўради:
– Қани айтмиң-чи, "имтиҳон" нима дегани?
– Иккита ақлли одамнинг ўзаро суҳбати, домлажон.
– Улардан бири аҳмоқ бўлса-чи?
– Унда иккинчиси стипендиясиз қолади, домлажон.

Раҳимжон ОРИПОВ.

Рассом хандаси



Хусан СОДИКОВ чизган расмлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.